

ЎТМИШГА НАЗАР

МАХСУС СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

СПЕЦИАЛЬНЫЙ ВЫПУСК

LOOK TO THE PAST

SPECIAL ISSUE



Бош муҳаррир:
Главный редактор:
Chief Editor:

Мургазаева Рахбар Хамидовна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Бош муҳаррир ўринбосари:
Заместитель главного редактора:
Deputy Chief Editor:

Джураева Нилуфар Далибаевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон жаҳон тиллари университети

"Ўтмишга назар" илмий журнали таҳририй маслаҳат кенгаши
редакционный совет научного журнала "Взгляд в прошлое"
Editorial board of the scientific journal Looking into the past

Кебадзе Мадонна

*Доктор исторических наук, Телавский
государственный университет, Грузия*

Бурдиашвили Майя

*Доктор исторических наук, Телавский
государственный университет, Грузия*

Кожакеева Ляззат Темировна

*тарих фанлари доктори, доцент,
Хотин-қизлар давлат педагогика университети,
Қозоғистон Республикаси*

Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич

*тарих фанлари доктори, профессор, академик,
Ўзбекистон Миллий университети*

Бобожонова Дилором Бобожонова

*тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон
жаҳон тиллари университети*

Зияева Доно Ҳамидовна

*тарих фанлари доктори, профессор,
ЎЗР ФА Тарих институти*

Аширов Адҳам Азимбаевич

*тарих фанлари доктори, профессор,
ЎЗР ФА Тарих институти*

Агзамова Гулчеҳра Азизовна

*тарих фанлари доктори, профессор,
ЎЗР ФА Тарих институти*

Ульжаева Шохистахон Мамажоновна

*тарих фанлари доктори, Тошкент
кимё - технология институти*

Бабаджанова Нодира Абдуллаевна

*тарих фанлари номзоди, Ўзбекистон
давлат жаҳон тиллари университети доценти*

Эргашева Юлдуз Алимовна

*Тарих фанлари доктори, профессор
Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти*

Теймураз Ахалмосулишвили

*профессор, Телавский государственный университет,
Грузия*

Халикова Раҳбар Эргашевна

*тарих фанлари доктори, профессор, Тошкент
давлат техника университети*

Ишанходжаева Замира Райимовна

*тарих фанлари доктори, профессор в.б., Ўзбекистон
Миллий Университети*

Кобзева Ольга Петровна

*тарих фанлари доктори, профессор в.б., Ўзбекистон
Миллий университети*

Одилов Аброр Анварович

*тарих фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон
Миллий университети*

Ерметов Аваз Абдуллаевич

*тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон
Миллий университети*

Саипова Камола Давляталиевна

*тарих фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон
Миллий университети*

Джоробекова Айнура Эшимбековна

*тарих фанлари номзоди, профессор, Ташқи ишлар
вазирлиги қошидаги Дипломатия академияси,
Қозоғистон Республикаси*

Толипов Файзулла Саидович

*Тошкент давлат техника университети доценти,
тарих фанлари номзоди*

Page Maker\Верстка\Саҳифаловчи: Хуршид Мирзахмедов

Контакт редакций научных журналов. tadqiqot.uz

ООО Tadqiqot, город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz

Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of tadqiqot.uz

Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz

Phone: (+998-94) 404-0000

МУНДАРИЖА \ СОДЕРЖАНИЕ \ CONTENT

- 67.Уразова Р.**
МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОНДА ЗАРДУШТИЙЛИК ИЛОҲИЁТ
ТИЗИМИ ГЕНЕЗИСИ ЎРГАНИЛИШИ МАСАЛАЛАРИГА ДОИР.....511
- 68.Улашова С.**
АМИР ТЕМУР ВА ТЕМУРИЙЛАР ДАВРИ МАНБАЛАРИДА
ҚАВЧИНЛАР.....526
- 69.Aminova A.M., Umarov J.O.**
BOLALARDA VATANPARVARLIK TUYG'USINI
SHAKLLANTIRISHNING YOSHGA BOG'LIQ XUSUSIYATLARI.....533
- 70.Усманова З., Тишабаева Л.**
ҚЎҚОН ЖАДИД МАТБУОТИ ТАРИХИНИНГ
АЙРИМ САҲИФАЛАРИ.....537
- 71.Қобулов Э., Ражабова С.**
ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ ЙИЛЛАРИДА СУРҲОН
ВОҲАСИ МЕҲНАТКАШЛАРИНИНГ БУЮК ҲИССАСИ.....541
- 72.Ходжаева Л.Ш.**
ФАРФОНА ВОДИЙСИ АЁЛЛАРИНИНГ АНЪАНАВИЙ БОШ
КИЙИМЛАРИДА ЁШ ДАВРИ ТИМСОЛИНИНГ АКС ЭТИШИ.....548
- 73.Ходжамбердиев Х.Э.**
СОБИҚ ИТТИФОҚ ЖАМИЯТИДАГИ ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ
ЗИДДИЯТЛАРНИНГ НАЗАРИЙ ТАЛҚИНИ.....554
- 74.Erqo'ziyev A.A., Isoqov S.M.**
BUXORO AMIRLIGI SAVDOSI HORIJY MANBALARDA562
- 75.Қурбонов Э.Э.**
ЎЗБЕКНИНГ ТУРКМАН УРУФИ (Зомин туркманлари мисолида).....567
- 76.Юлдашева М.М.**
БУНЁДКОР ВА ВАЙРОНКОР ҒОЯЛАР: МОҲИЯТИ ВА ШАКЛЛАРИ.....572
- 77.Хосиятов Х.О.**
МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА ТЕРМИЗ АРХЕОЛОГИЯ МУЗЕЙИ.....577
- 78.Хакназаров Х.Д.**
КУНДАЛИК ҲАРБИЙ ҲАЁТ ТАРИХИЙ ТАДҚИҚОТЛАРНИНГ
ОБЪЕКТИ СИФАТИДА: НАЗАРИЙ-МЕТОДОЛОГИК МУАММОЛАР.....583
- 79.Хатамова З.Н.**
ҚЎҚОН ХОНЛИГИДА СОЛИҚЛАР ҲИСОБИГА ТЎЛДИРИЛГАН
ХАЗИНАНИНГ САРФ ЭТИЛИШИГА ОИД МАЪЛУМОТЛАР.....590

80.Холмўминов Ҳ.Э. ЎЗБЕКИСТОНИНГ ЖАНУБИЙ ВОҲАЛАРИДА АҲОЛИНИНГ ДЕМОГРАФИК ЖАРАЁНЛАРИ (XIX АСР ОХИРИ -XX АСР БОШЛАРИ).....	596
81.Худойқулов Т.Д., Халилов Ж.С. ҚЎҚОН ХОНЛИГИДА ЕР ЭГАЛИГИ, ҲУНАРМАНДЧИЛИК ВА САВДО.....	604
82.Ўтанов Х.Ш. XX АСР БОШЛАРИДА БУХОРО АМИРЛИГИ АҲОЛИСИНИНГ ЭТНИК ТАРКИБИ ВА ИЖТИМОЙ ҲАЁТИ ТАРИХИДАН.....	615
83.Эгамбердиева Н.А., Шапсанова Н.Б. ҚАДИМГИ БАҚТРИЯ ТАРИХИНИНГ ЁЗМА МАНБАЛАРДАГИ БАЁНИ ВА ТАРИХИЙ ТАҲЛИЛ МАСАЛАЛАРИ.....	625
84.Юлдошева Б.М. XX АСРНИНГ 80-ЙИЛЛАРИДА АТРОФ-МУҲИТ МАСАЛАСИГА ЁНДАШУВЛАР ТАРИХИДАН (БУХОРО ВИЛОЯТИ МИСОЛИДА).....	636
85.Ғаффоров Я.Х. ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ РИВОЖЛАНИШ ЖАРАЁНЛАРИ ХОРИЖИЙ ТАРИХЧИЛАР ТАҲЛИЛИДА.....	643
86.Шайдуллаева Г.Ш. БАҚТРИЯ ЛАЗУРИТИНИНГ ҚАДИМИЙ МЕСОПОТАМИЯ ШАҲАРЛАРИГА ТАРҚАЛИШИ ҲАҚИДА ЁЗМА ВА АРХЕОЛОГИК МАНБАЛАР.....	651
87.Yakubova Sh.A. O'ZBEKISTONDA FARMATSEVTIKA RIVOJLANISH TARIXIDAN.....	659


ЎТМИШГА НАЗАР ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ LOOK TO THE PAST

Гаффоров Я.Х.

тарих фанлари номзоди, доцент
Чирчиқ Давлат Педагогика институти

ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ РИВОЖЛАНИШ ЖАРАЁНЛАРИ ХОРИЖИЙ ТАРИХЧИЛАР ТАҲЛИЛИДА

For citation: Gafforov Ya.Kh. THE PROCESSES OF SOCIO-POLITICAL DEVELOPMENT IN UZBEKISTAN ARE ANALYZED BY FOREIGN HISTORIANS. Look to the past. 2020, SI, pp. 643-650

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2020-SI-85>

АННОТАЦИЯ

Мақолада бирламчи хорижий муаллифлар маълумотлари асосида Ўзбекистонда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳатлар, эришилган ютуқ ва соҳадаги муаммолар тадқиқ этилган.

Калит сўзлар: Буюк Ипак йўли, мустақиллик, моддий ва маънавий қадриятлар, маъмурий-буйруқбозлик, дунёвий, демократик, ҳуқуқий жамият

Гаффоров Я.Х.

кандидат исторических наук, доцент
Чирчикский государственный
Педагогический институт

ПРОЦЕССЫ ОБЩЕСТВЕННО-ПОЛИТИЧЕСКОГО РАЗВИТИЯ УЗБЕКИСТАНА АНАЛИЗИРУЮТСЯ ЗАРУБЕЖНЫМИ ИСТОРИКАМИ

АННОТАЦИЯ

В статье рассматриваются социально-экономические реформы, достижения и проблемы в Узбекистане на основе данных первых зарубежных авторов.

Ключевые слова: Великий шелковый путь, независимость, материальные и духовные ценности, административно-командная система, светское, демократическое, правовое общество.

GafforovYa.Kh.

PhD, Chirchik State Institute of Pedagogy

THE PROCESSES OF SOCIO-POLITICAL DEVELOPMENT IN UZBEKISTAN ARE ANALYZED BY FOREIGN HISTORIANS

ABSTRACT

The article studies the socio-economic reforms, achievements and challenges in Uzbekistan based on the data of the first foreign authors.

Index Terms: Great Silk Road, independence, material and spiritual values, administrative-command, secular, democratic, legal society

Долзарблиги. Сиёсий мустақилликнинг қўлга киритилиши узоқ тарихга эга бўлган Ўзбекистон Республикаси тараққиётига янги даврни бошлаб берди. Ўзбекистон озод, мустақил давлат сифатида, дунёвий, демократик, ҳуқуқий жамият қуришга ва иқтисодийнинг кенг тармоқларига эга бўлган индустриал-аграр давлат асосларини барпо этишга киришди. Мақолада Ўзбекистон ва жаҳон ҳамжамияти тарихида Республикамизнинг алоҳида хорижий давлатлар билан кўп томонлама ҳамкорлик масалаларини ўрганишга бағишланган долзарб тарихий жараёнлар таҳлил этилган.

2. Методлар ва ўрганилганлик даражаси:

Мақолада Ўзбекистондаги ижтимоий-сиёсий ривожланиш жараёнлари хорижлик тадқиқотчилар ва олимларнинг илмий ишларида, турли хил нашрларида алоҳида ажратиб кўрсатилган. Жумладан, Жуков С., Разникова О. (Zukov S, Reznikova 1994) Колесников В. (Kolesnikov V 2001), Малашенко А.Б. (Malashenko A.B. 1995), Бурлацкий Ф. (Burlatskiy F 2001), Любин Н. (Lyubin 1994) Гоубл П. (Goubel P 1994), Дикер Д. (Dicker D 1996) ва бошқаларнинг бирқатор асарлари ва илмий мақолаларида ўз аксини топган.

3. Тадқиқот натижалари:

Ўзбекистон узоқ ўтмишданоқ Фарб ва Шарқни боғлаб турувчи муҳим бўғин сифатида Буюк Ипак йўлининг таъсирини ўзида ҳис қилган. Хусусан, Самарқанд, Бухоро, Хива, Шаҳрисабздаги улкан ва хашаматли меъморий обидаларнинг бунёд этилишида, ҳунармандчилик, санъат, фан ва маданиятнинг ривожланишида Буюк Ипак йўлини таъсирини пайқаш мумкин. Э.Ртвеладзенинг таъкидлашича, Фарб ва Шарқ мамлакатлари маданияти, фан ва санъатининг ўзаро бир-бирини бойитишда Марказий Осиё ҳудудидаги, хусусан Мовароуннаҳрдаги мамлакатларнинг роли ниҳоятда катта бўлган. Бу ҳудуднинг асрлар давомида турли халқлар ва мамлакатларнинг ғоялари, маънавий олами, анъаналари бир-бирига ўтказилишидаги, ана шу уйғунлашув натижасида ўзларининг маданиятларини шакллантиришларидаги аҳамиятини ҳеч ким рад эта олмайди [1]. Бу улкан қарвон йўли ёқасида яшаган халқларнинг бизга мерос бўлиб қолган моддий ва маънавий қадриятлари бутун инсоният цивилизацияси учун бебаҳо бойлик ҳисобланади. Дунё мамлакатларининг дипломатия, иқтисодий, фан, маданият, шунингдек, туризм соҳасидаги ҳамкорлигини янада ривожлантиришга асос яратади.

Мустақиллик йилларида мамлакат олдида давлат қурилишини тубдан ислоҳ қилиш ва унинг фаолиятидаги барча соҳаларни тараққий эттириш билан боғлиқ

ислоҳотларни амалга оширишдек мураккаб вазифалар вужудга келди. Бунинг учун бошқаришнинг маъмурий-буйруқбозлик усулидан, коммунистик мафкурадан мамлакатни ҳалос қилиш, республикани тараққий-этиришнинг ўзига хос ва ўзига мос йўлини ишлаб чиқиш зарур эди. Ўзига хос тараққиёт моделини ишлаб чиқишда Ўзбекистон раҳбарияти хорижий давлатлар тажрибасини ҳам инобатга олди. Тараққиётни таъминлаган энг фойдали тажрибалар республиканинг шарт-шароитларига татбиқ этилди.

Натижада, янгиланиш ва тараққиётнинг "ўзбек модели" деб ном олган ривожланиш стратегияси ишлаб чиқилди.

Ривожланишнинг "ўзбек" моделига асос қилиб олинган ушбу принциплар Ўзбекистон мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда эски услуб ва ёндашувлардан воз кечганлигини кўрсатади. Бу принципларбугунги воқеликларга хос бўлиб, мамлакатимизни ислоҳ қилишнинг муҳим ва мақсадли вазифаларини белгилаб беради. Мураккаб вазиятда республика аҳбарияти томонидан танланган йўл, ўтиш даври учун мўлжалланган ўзбек тараққиёт моделининг моҳияти ва аҳамияти халқаро экспертларнинг юксак баҳосини олишга сазовор бўлди. Масалан, Берлин-Бранденбург иқтисодий консулларининг бирлашма бошқаруви раиси (VWK) Инго Бенц: "Ҳар қандай давлатнинг энг муҳим вазифаси, муваффақиятларининг асосий омили мамлакат фуқаролари учун халқаро ҳамжамиятнинг бошқа вакиллари билан тенг ривожланиш имкониятларини кафолатлашдан иборатдир. Бунинг учун эса давлат ўзининг тўла мустақиллиги ва суверенитетини таъминлай олиши зарур. Бу борада Ўзбекистон тўғрисида ишонч билан шуни таъкидлаш мумкинки, мазкур принципнинг ҳаётга татбиқ этилиши мамлакатда етарли даражада таъминланмоқда"[2], - деб қайд этди.

Ҳар қандай давлатнинг янгиланиши ва тараққиёти нафақат ички ислоҳотларни муваффақиятли равишда амалга оширишга, балки мамлакатнинг ташқи сиёсий стратегияси нечоғлик тўғританлангани, унинг умумжаҳон жараёнларидаги фаол иштирокига ҳам узвий боғлиқдир. Жаҳоннинг юксак ривожланган давлатлари тажрибасидан маълумки, ўз сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ҳаётини тубдан ислоҳ қилиш йўлини танлаган ҳар қандай мамлакат ўз муаммоларини жаҳон ҳамжамиятининг қўллаб-қувватлашисиз ҳал этиш мушкул. Ҳар қандай давлатнинг сиёсий, иқтисодий ва маънавий-ахлоқий жиҳатдан яққаланиб қолиши, "ёпиқ эшиклар" сиёсатини юритишга мойиллиги мамлакат ривожига тўсиқ бўлиб, унинг технологик жиҳатдан орқада қолиши ва жаҳон цивилизациясининг умуминсоний қадриятларидан бегоналашувига олиб келиши мумкин. Бу ҳақиқатни чуқур англаган Ўзбекистон раҳбарияти мустақилликнинг дастлабки кунларида ташқи сиёсат масалаларига алоҳида эътибор қаратди. Ёш мустақил Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсий стратегияси ҳақида сўз юритганимизда, у мамлакатни жаҳон ҳамжамиятига кенг миқёсда ҳамкорликка йўналтириганлигини таъкидлашимиз лозим. Бу эса Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятининг таркибий қисми сифатида ўзбек халқининг кўп асрлик тарихий анъаналари ва миллий манфаатларига асосланган ҳамда жаҳон миқёсида юз бераётган воқеаларни инобатга олган ҳолда ушбу жараёнларнинг тўла ҳуқуқли иштирокчиси бўлишини таъминлаши имкониятини беради. Шунингдек, мамлакатнинг ташқи сиёсий стратегияси бугунги кун учун эмас, балки узоқ муддатли истиқболга мўлжалланган. Бунда Ўзбекистон Республикаси жаҳонда юз бераётган сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, экологик, илмий-техникавий, маданий-маънавий ва бошқа жараёнларни ҳал қилишнинг тўла ҳуқуқли иштирокчи бўлиши ҳам назарда тутилган.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон ва Жаҳон ҳамжамияти тарихида республикамизнинг алоҳида хорижий давлатлар билан икки томонлама ҳамкорлик масалаларини ўрганишга бағишланган докторлик ва номзодлик диссертациялари ҳимоя қилинган[3].

Юқорида қайд этилган манбалар, илмий мақолалар ва муҳим таҳлилий материалларга бой бўлиб, Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсий фаолияти тўғрисида яхлит тасаввур ҳосил қилишга ёрдам беради, Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсий фаолияти ва халқаро ҳамкорлигининг ҳозиргача очиб берилмаган янги йўналишларини тадқиқ этишда назарий ва методологик асос бўлиб хизмат қилади.

МДХ мамлакатлари тадқиқотчиларининг илмий ишларида халқаро муносабатларда рўй бераётган ўзгаришлар, янги жаҳон тартиботининг шаклланиши, давлатлараро муносабатлардаги асосий тенденциялар ва уларнинг муайян давлат ички аҳволи ҳамда тараққиётига кўрсатадиган таъсири каби масалалар бўйича эътиборга молик илмий мулоҳазалар учрайди.

Россиялик олимлар қаламига мансуб кўплаб илмий адабиётларда Марказий Осиё минтақасидаги (жумладан Ўзбекистон) давлатларнинг муаммолари, халқаро жараёнларда уларнинг мустақил иштироки масалаларига бағишланган тадқиқотлар диққатни жалб этади. Россия Фанлар академияси Шарқшунослик институтининг бир гуруҳ олимлари томонидан тайёрланган махсус монография[4] бу борада катта қизиқиш уйғотади. Китобда Марказий Осиё минтақаси мамлакатларининг ўз мустақил тараққиёт йўллари танлаболишлари, уларда амалга оширилаётган сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ислохотлар кўриб чиқилган, минтақадаги ҳар бир давлат ташқи сиёсатидаги асосий тенденциялар очиб берилган, Марказий Осиё минтақасида Ўзбекистоннинг геосиёсий мавқеи алоҳида ажратиб кўрсатилган.

С.Жуков, Р.Резникова, Л.Виноградова ва В.Колесниковларнинг[5] илмий мақолалари ҳам диққатни ўзига жалб этади. Уларда Жаҳон ҳамжамияти тизимида Ўзбекистоннинг Марказий Осиё ва МДХ доирасидаги интеграция жараёнларидаги етакчилик ролига алоҳида урғу берилган. Жумладан, минтақанинг дунё ҳамжамиятини ўзига жалб этувчи сиёсий ва иқтисодий ўзига хосликлари очиб берилган.

Муаллифларнинг умумий хулосаларига кўра, хорижий сармояларнинг Марказий Осиё бозорларига кириб келишида ҳал қилувчи асосий мавқени Ўзбекистон Республикаси эгалламоқда. Шу билан бирга, бу муаллифлар тараққиётнинг ўзбек моделига, жаҳон ҳамжамияти давлатлари билан кўп томонлама ҳамкорлик ўрнатишда бу моделнинг аҳамиятига юксак баҳо берганлар.

Россиялик олимларнинг илмий тадқиқотларида Ўзбекистон ички ва ташқи сиёсати ютуқларини, Марказий Осиёдаги ижтимоий-иқтисодий вазиятга ислом омили кўрсатаётган таъсирни ўрганиш масалаларига катта қизиқиш билан қаралмоқда[6]. Жумладан, Ф.Бурлацкий ўз мақоласида тараққиётнинг ўзбек моделига юқори баҳо бериб, Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамияти билан интеграциялашувида эришаётган ютуқларини алоҳида қайд этган. Д.Трофимовнинг мақоласида ислом омилининг минтақада барқарорликни таъминлашдаги ўрни тадқиқ этилиб, Ўзбекистондаги ички сиёсий жараёнлар ривожига ислом дини кўрсатаётган таъсирнинг муҳим жиҳатлари очиб берилган.

Айрим манбаларда хорижлик муаллифлар Ўзбекистондаги глобаллашув жараёнлари, минтақавий ва халқаро хавфсизлик, барқарорлик ва ҳамкорлик

масалаларини алоҳида ёритган. Бундай китоблар орасида жаҳон тартиботи концепциясининг методологик асосларини ишлаб чиққан З.Бжезинский, Г. Киссинжер ва С.Хантингтон геосиёсат, геоиқтисодиёт ва халқаро муносабатлар масалаларини илмий жиҳатдан асослаб, мукаммал ўрганишган.

Мустақил Ўзбекистоннинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий соҳалардаги ривожланиши ҳамда халқаро майдондаги улкан имкониятлари ҳақида Н.Любин, П.Гоубл, Д.Дикер, Э.Эпостулу, Б.Роберсон асарларида фикр-мулоҳазалар билдирилган[7].

Хитой, Россия ва АҚШнинг Марказий Осиё (жумладан Ўзбекистон)даги манфаатлари ва позицияларини ўрганган хитойлик тадқиқотчи Чжао Хуашэн Хитойнинг Марказий Осиёдаги манфаатларини белгилаб берувчи бир қатор омилларниқайд этади: "Биринчидан, Пекин Шарқий Туркистондаги айирмачи кучлар тазйиқини камайтиришга интиломқда, иккинчидан, ХХР Марказий Осиё (Ўзбекистон) минтақаси стратегик жиҳатдан барқарор таянч бўлишини, учинчидан, минтақа давлатларини салоҳиятли энергия манбалари етказиб берувчи, айнипайтда иқтисодиётнинг бошқа соҳалари бўйича ўзининг шериги деб билади"[8].

Ана шундай, хорижлик муаллифлар томонидан яратилган илмий тадқиқотлар орқали халқаро муносабатларда рўй бераётган асосий жараёнлар, глобаллашув шароитларида шаклланаётган янги жаҳон тартиботи ва давлатлараро муносабатлар ҳақида умумий тасаввур ҳосил бўлади.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон ички ва ташқи сиёсатда эришган ютуқлар хорижлик кузатувчилар томонидан юқори баҳоланмоқда. Масалан, Берлин-Бранденбург иқтисодий консуллар бирлашмаси бошқарувининг раиси (VWR) Инго Бетц бу борада шундай фикр билдиради: "Ўзбекистон мустақил давлат сифатида мураккаб йўлни шараф билан босиб ўтди. Бу йўлда пайдо бўлган катта муаммолар қисқа вақт ичида ижобий ҳал этилди. Ўзбекистоннинг биринчи Президенти И.А.Каримов халқаро ҳамжамият билан қизгин савдо-иқтисодий муносабатларни йўлга қўйиш борасида улкан ишларни амалга оширди"[9].

Твенте университети Халқаро сиёсат департаментининг раҳбари, нидерландиялик эксперт профессор С.Станбернинг фикрича, "қисқа тарихий давр ичида Мустақил Ўзбекистон халқаро майдонда обрў-эътибор қозониб, нафақат жаҳонга қадимий цивилизация ва маданият, буюк мутафаккирлар, олимлар, шоирлар ва лашкарбошиларни туҳфа этган мамлакат сифатида, балки дунёнинг 140 дан ортиқ мамлакати билан савдо-иқтисодий алоқалар ўрнатиб, жаҳон иқтисодий ҳамжамиятига муваффақиятли равишда қўшилиб бораётган юрт сифатида ҳам шуҳрат қозонди".

Мамлакат ривожланишининг ўзбек модели туфайли Ўзбекистон жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг оқибатларини муваффақиятли енгмоқда. Мамлакат тараққиётининг ўзбек модели ҳамда биринчи Президент И. А. Каримов китобида ўз ифодасини топган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозини бартараф этиш йўллари кўпгина таниқли хорижий таҳлилчи-экспертлар томонидан кенг шарҳланди. Масалан, "Қамариддин ва Ко" юридик компаниясининг раҳбари малайзиялик Қамариддин Аҳмад шундай деб изоҳлайди: "Қисқа вақт ичида Ўзбекистон кенг миқёсли ислохотларни амалга оширишда сезиларли натижаларга эришди. ...Ўтиш даври қийинчиликларига, ...жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозига қарамай, мамлакатда барқарор сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий вазият сақланиб қолмоқда".

Япониянинг Хорижий мамлакатлар иқтисодиётини таҳлил қилиш департаментининг директори М. Ябуучи: "Жаҳон инқирози хомашёни экспорт қилишга асосланган иқтисодий ривожланишнинг мақсадга мувофиқ эмаслигини яна бир бор тасдиқлади. Ўзбекистон, бошқа мамлакатлардан фарқли равишда, аввал-бошдан оқ иқтисодиётни диверсификация қилиш ва саноатнинг барча тармоқларини мувозанатлашган ҳолда ривожлантириш зарурлигини мўлжал қилиб олди"[10], - деб таъкидлади.

Дунёнинг кўплаб мамлакатларидаги сиёсатчилар ва олимлар мамлакатимизнинг ўтиш давридаги иқтисодий ривожланиши тажрибасини чуқур ва ҳар томонлама ўрганмоқдалар. Бунда биринчи Президент И.А. Каримовнинг "Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари" китоби уларда алоҳида эътибор ва қизиқиш уйғотган эди. Мамлакатни сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг ўзбек моделига Осиёдаги кўплаб етакчи давлатлар қизиқиш билан қарамоқдалар. Масалан, Хитой Халқ Республикасида Ўзбекистоннинг бугунги ҳолати ва ривожланишини Пекин шаҳрида жойлашган Россия, Шарқий Европа ва Марказий Осиё институтининг мутахассислари катта қизиқиш билан кузатмоқдалар. Хусусан, ушбу институт директори Син Гуанчэн Ўзбекистоннинг жаҳон молиявий инқирозининг таъсирини зарарсизлантириш борасидаги тажрибасидан фойдаланиш мақсадида уни ўргана туриб ўз фикрларини билдирди. Бунда у қуйидагиларни таъкидлади: "Ислоҳотлар ва ривожланишнинг ўзбек модели Ўзбекистоннинг узоқ муддатга мўлжалланган миллий манфаатлари ва мақсадларига жавоб беради. Режа билан бошқариладиган иқтисодиётдан бозор тизимига ўтишда Ўзбекистон ривожланишнинг босқичма-босқич йўлини танлади. Фактлар Ўзбекистоннинг "фалаж қилиб даволаш"дан воз кечгани Ўзбекистон ҳукуматининг оқилона танлови бўлганидан далолат бермоқда"[11].

Кўриб турганимиздек, ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш усуллари ва иқтисодий инқирозларни бартараф этиш йўлларида Жанубий-Шарқий Осиё мамлакатлари ва Ўзбекистон Республикаси ўртасида фарқли ва айни вақтда умумий жиҳатлар мавжуд. Ушбу сабабларга кўра, глобаллашув шароитида ўзининг сиёсий эътиқоди, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражаси ҳамда истиқболга мўлжалланган вазифаларни белгилаши бўйича ўзаро яқин бўлган мамлакатларнинг ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар ўтказиш тажрибасини ўрганиш эҳтиёжи борган сари кўпроқ юзага келмоқда. Шу муносабат билан Жануби-Шарқий Осиё геосиёсий нуқтаи назардан, шунингдек ушбу минтақа мамлакатларининг ривожланиш тажрибасини ўрганиш нуқтаи назаридан Ўзбекистон Республикаси учун улкан стратегик қизиқиш уйғотади.

Маълумки, Ўзбекистон минтақавий ва глобал хавфсизлик масалаларига мустақилликнинг дастлабки кунларидаёқ жиддий эътибор билан қаради. "Ўзбекистон минтақадаги етакчи давлат сифатида, - дейди Канаданинг Монреаль шаҳридаги Мак Гилл университети олими Сандра Березски, - Марказий Осиёда барқарорликни таъминлашда етакчи ўринни эгаллайди. Ушбу минтақада тинчлик ва барқарорлик ҳукмрон бўлишидан нафақат Фарб давлатлари, балки жаҳон ҳамжамияти ҳам манфаатдордир. Чунки хавфсизлик ва тараққиёт масалаларида ҳаммамиз бир-биримизга боғлиқмиз".

Бундан ташқари, Ўзбекистон Марказий Осиё давлатлари орасида минтақага хорижий капитал кириб келиши йўлида ҳам жонбозлик қилмоқда ва асосий таянч сифатида муҳим геосиёсий мавқени эгаллаб келмоқда. Тель-Авив

университетининг профессори С. Гитлин Ўзбекистоннинг Марказий Осиё минтақасида қулай геосиёсий жойлашувга эгаллигини айтиб, республика "...Узоқ Шарқ ва Марказий Осиёни, Европа билан Яқин Шарқни бирлаштирувчи трансконтиненталь савдо йўналиши бўлиши Буюк Ипак йўлини тиклашда стратегик роль ўйнашига тўғри келади", деб таъкидлаган эди.

Кейинги йилларда Ўзбекистон Республикасидаги ижтимоий-сиёсий жараёнлардаги ўзгаришлардан халқаро ташкилотлар фаолияти ҳам алоҳида аҳамият касб этмоқда. Жумладан, Ўзбекистоннинг ана шундай ташкилотлардан бири бўлган Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти (ШХТ) билан яқин ҳамкорлиги Ўзбекистон ушбу ташкилотга нафақат ҳарбий ва чегара туманлардаги тор доирадаги муаммоларни, балки иқтисодий, сиёсий, ижтимоий, гуманитар, маданий ва информация соҳаси масалаларини ҳам хал этиш даражасига кўтарилиб борадиган ташкилот сифатида қараган эди. Ташкилот тимсолида Ўзбекистон шундай бир тизим юзага келаётганини кўра олдики, унда мамлакатнинг барқарор тараққиёти ва ҳавфсизлиги учун зарур шарт-шароитлар билан таъминлаш мумкин эди.

ШХТни Марказий Осиёдаги худудий хавфсизлик тизими яратишидаги роли ҳақидаги қарама қарши фикрни Э.Фейгенбаум, Е.Вишник, С.Хоффманлар билдиришади, улар ташкилотни ҳаётини фаолиятини унинг ички ва харбий сиёсати истиқболларини скептически баҳолашади.

Умуман олганда, халқаро алоқалар бўйича хориж тарихчилари ШХТни Марказий Осиёдаги фаолияти бўйича кенг қамровли тадқиқотлар олиб боришган, бироқ, ташкилотнинг хавфсизлик сиёсатига бағишланган комплекс ишлар йўқ экан. ШХТ фаолиятига баҳо беришлар ҳам турлича бўлиб, мазкур муаммо юзасидан доимий тадқиқотлар йўқ экан. Бу эса ШХТдаги хавфсизлик сиёсатининг вужудга келиши ва ривожланиши нуқтаи-назаридан кўриб чиқиш зарурлигини англатади.

Ҳозирги кунда Ўзбекистонда ҳам ШХТ, минтақадаги геосиёсий вазият, хавфсизликни таъминлаш билан боғлиқ муаммоларга доир тадқиқотлар олиб борган мутахассислар сафи кенгаймоқда. Жумладан, А.Гидаспов, С.Жўраев, С.Ибрагимова, А.Ҳошимов, А.Хўжаев, В.Қосимов, Б.Турсунов, Ш.Шозаманов, А.Ҳамдамов, Х.Умаров, С.Саидолимов, Ш.Сабитов ва бошқа кўплаб тадқиқотчиларнинг муаммони ўрганишга қўшган ҳиссалари ўзига ҳос ижобий баҳога лойиқ[8]. Бироқ мазкур тадқиқотларда улкан Евроосиё маконида жойлашган мамлакатлар тарихи, ташқи сиёсати, ушбу мамлакатлар ўртасидаги иқтисодий, маданий алоқалар ва бошқа жараёнлар ҳақида умумий илмий изланишлар олиб борилган бўлиб, унда хусусан ШХТ фаолияти ва унинг институциялашиш жараёни алоҳида тадқиқот объекти сифатида қаралмаган. Ушбу ёндашувлар, ўз навбатида аъзо давлатларнинг бугунги ҳолати, минтақа хавфсизлигига таҳдид солаётган салбий омилларни пасайтириш йўллари оид кўплаб рус, инглиз ва хитой тилларида нашр этилган кўплаб манбалар ва илмий анжуманлар материалларига мурожаат этишни тақозо этади[11].

4. Хулосалар:

Юқоридагилардан келиб чиқиб, хулоса сифатида қуйдагиларни таъкидлаш мақсадга мувофиқдир:

- Биринчидан, мустақиллик йилларида мамлакатимиз олдида давлат қурилишини тубдан ислоҳ қилиш ва унинг фаолиятидаги барча соҳаларни тараққий эттириш билан боғлиқ ислоҳатларни амалга оширишдек мураккаб вазифаларни енгиб ўтиш жараёнлари мақолада таҳлил этилган;

- Иккинчидан, Ўзбекистон Республикасининг жаҳон ҳамжамияти билан интеграциялашувида эришган ютуқлари, мамлакатимизнинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий соҳаларидаги ривожланиши ҳамда халқаро майдондаги улкан имкониятлари ҳақида хорижлик олимлар, тарихчилар, сиёсатчилар, кузатувчилар ўз асарларида фикр-мулоҳазаларини, хулосаларини билдиришган;

- Учунчидан, Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамияти мамлакатлари билан ҳамкорлиги кўп томонламадир, чунки давлатимизнинг геосиёсий ахволи, тарихий тажрибаси ва иқтисодий эҳтиёжлари ҳам ана шуларга асосланади. Буларнинг барчаси мақолада ўз аксини топган.

Иқтибослар/Сноски/References:

1. Rtveladze E. "About our homeland since ancient times". "People's word". 1999. October 9 (Ртвеладзе Э. "О нашей родине с древнейших времён". "Народное слово". 1999г. 9 октября)
2. The way of Uzbekistan - historical success // People's voice (Путь Узбекистана - исторический успех // Народное слово)
3. Nuriddinov E. Z. International cooperation of Uzbekistan with European countries in the conditions of independence: formation, development, problems: autoref. dis. doctoral sciences'. (Нуриддинов Э. З. Международное сотрудничество Узбекистана со странами Европы в условиях независимости: становление, развитие, проблемы: Автореф. дис. ... д-ра ист. наук. - Т., 2000) - Т., 2000
4. Central Asia: on the way to the world community. - Moscow: Institute of Oriental Studies, RAS (Центральная Азия: по пути в мировое сообщество. - М.: Институт Востоковедения РАН, -1995. - 178 с) -1995. - 178 р.
5. Zhukov S., Reznikova O. Central Asia in world politics and Economics // USA: EPI, -1994. (Жуков С., Резникова О. Центральная Азия в мировой политике и экономике // США : ЭПИ, -1994. - №12. - С. 82-85) - No. 12. - Pp. 82-85.
6. Malashenko A.V. Islamic revival: seen but undervalued // Asia and Africa today. - 1995.- No. 9. - P. 28-36 (Малашенко А. В. Исламское возрождение: увиденное, но недооценённое // Азия и Африка сегодня. - 1995.- № 9. - С. 28-36);
7. Lubin N. Central Asia: Issues and challenges for United States politics. The new geopolitics of Central Asia and its borderlands. Ed. By Ali Banuazizi and Weiner Myran. J. 8. Touris and Co. Ltd. - I. W. Y., 1994;
8. Huasheng CH. China, Russia, USA: interests, positions, relationships in Central Asia // Central Asia and the Caucasus. - 2004. - No. 5. - Pp. 131-140. (Хуашэн Ч. Китай, Россия, США: интересы, позиции, взаимоотношения в Центральной Азии // Центральная Азия и Кавказ. - 2004. - № 5. - С. 131-140)
9. People's voice . - 2009. - April 7. (Халқ сўзи. - 2009. - 7 апрел.)
10. Feigenbaum E. The Shanghai Cooperation Organization and the Future of Central Asia URL. <http://merin.ndu.edu/archivepdf/centralasia/State/91858.pdf>.
11. Actual problems of historiography of world history. T. Navryz, 2016 year, 75-76 -pp. (Актуальные проблемы историографии всемирной истории. Т. Наврўз, 2016 йил, 75-76 сс)

ЎТМИШГА НАЗАР

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

LOOK TO THE PAST

МАХСУС СОН

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000